

УДК:699.8

МАЙДА БЛОКДАН ИБОРАТ ТАШҚИ ДЕВОР КОНСТРУКЦИЯСИНИ ИСИҚЛИК ҲИМОЯСИНИ ОШИРИШ

т.ф.н., доц. **Шукуров F, магистрант Нельматов Б.**

Самарқанд давлат архитектура-қурилиши университети,
Самарқанд, Ўзбекистон

Аннотация. Ушбу мақолада биноларни ташқи деворини иссиқлик ҳимоясини оширувчи олинмайдиган қолипли гипсопенобетондан иборат қўп қатламли ташқи девор конструкциясини иссиқлик ҳимояси иссиқлик-физик жиҳатдан асосланган.

Аннотация. В данной статье приведены результаты теоретических теплофизических исследований наружных стен из многослойного гипсопенобетона, повышающий тепловую защиту ограждения.


Abstract. In this article brought results of the oretical heatphsical researches moist the mode of count a graphic-analytical method of external walls from three-layer foam concrete on raise thermal protection of a wall.

Биноларни энергия самародорлигини ошириш мақсадида, муаллифлар томонидан, гипсопенобетондан иборат олинмайдиган қолипли, иссиқлик ҳимояси пенополистирол билан оширилган ташқи деворни коструктив ечими ишлаб чиқилди. Бу конструкцияни афзаллик тамонлари қуйидагилардан иборат:

- 1.Девор конструкцияси тўлиқ маҳаллий материаллардан тикланади;
- 2.Бино қурилиши муддати кескин қисқаради;
- 3.Бинони энергия самародорлиги ошади;
- 4.Бинони умумий зилзилабардошлигини оширади.

Гипсопенобетондан иборат олинмайдиган қолипли девор конструкциясининг ҳисобий схемаси 1-расмда келтирилган.

Бу конструкцияни амалётда қўллаш учун уни иссиқлик-физик жиҳатдан назарий асослаш лозим. Бунинг учун ҳисобий схемаси 1-расмда келтирилган ташқи девор конструкциясини умумий иссиқлик узатиш қаршилигини аниқлаб, бу қаршиликни ҚМҚ 2.01.04-97*дан келтирилган иссиқлик узатиш қаршилиги билан таққослаб, деворни самарали қалинлигини тавсия этиш лозим. Бундан ташқари бу конструкция қатламларида конденсат намлик ҳосил бўлиш ёки бўлмаслигини графоаналитик услугуб ёрдамида асослаш лозим. Иссиқлик-физик ҳисоблар қуйидаги тартибда бажарилади.



1-расм. Гипсопенобетондан иборат олинмайдиган қолипли девор конструкциясининг ҳисобий схемаси.

Расмда келтирилган гипсопенобетондан иборат олинмайдиган қолипли ташқи девор конструкцияси бир жинсли бўлмагани учун уни иссиқлик оқими йўналишига параллел ва перпендикуляр бўлган текисликлар билан кесиб, термик иссиқлик узатиш қаршилигини аниқлаймиз. Иссиқлик физик ҳисоблар учун қўйидаги иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентларини қабул қиласиз[5]. Гипсопенобетонни иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини лаборатория шароитида тажрибалар натижасида аниқладик.(6)

1. Гипсопенобетон, $\gamma_0 = 600 - 800 \text{ кг}/\text{м}^3$, $\lambda = 0.109 \text{ Вт}/(\text{м} \cdot ^\circ\text{C})$;
2. Огир бетон, $\gamma_0 = 2400 \text{ кг}/\text{м}^3$, $\lambda = 1.74 \text{ Вт}/(\text{м} \cdot ^\circ\text{C})$;
3. Пенополистирол $\gamma_0 = 100 \text{ кг}/\text{м}^3$, $\lambda = 0.041 \text{ Вт}/(\text{м} \cdot ^\circ\text{C})$;

Конструкцияни иссиқлик оқими йўналишига параллел бўлган текислик билан кесиб I ва II- қисмларга ажратамиз. Биринчи қисм гипсопенобетон ва иккинчи қисмлар огир бетон ва пенополистиролдан иборат. Биринчи қисим учун иссиқлик узатиш қаршилигини қўйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз.

$$R_I = \frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \frac{\delta_3}{\lambda_3}; \quad (1)$$

$$R_I = \frac{0,030}{0,109} + \frac{0,28}{0,109} + \frac{0,030}{0,109} = 3,118 \text{ м}^2 \cdot ^\circ\text{C}/\text{Вт}.$$

Биринчи қисмни юзаси $F_I = 0.05 \text{ м}^2$

Конструкцияни иккинчи қисми гипсопенобетон, огир бетон ва пенополстиролдан иборат. Унинг иссиқлик узатиш қаршилиги.

$$R_{II} = \frac{0,030}{0,109} \cdot 2 + \frac{0,065}{1,74} \cdot 2 + \frac{0,025}{0,109} \cdot 2 + \frac{0,10}{0,041} = 3.52 \text{ м}^2 \cdot ^\circ\text{C}/\text{Вт}$$

Бу конструкциянинг термик иссиқлик узатиш қаршилигини қуидаги формула ёрдамида аниқлаймиз [3].

$$R_{II} = \frac{F_I + F_{II} + F_{III} + \dots}{\frac{F_I}{R_I} + \frac{F_{II}}{R_{II}} + \frac{F_{III}}{R_{III}} + \dots} \quad (2)$$

Бу ерда, $R_I, R_{II}, R_{III} \dots$ - алоҳида олинган қатламларнинг термик иссиқлик узатиш қаршилиги, $m^2 \cdot ^\circ C / Bt$; $F_I, F_{II}, F_{III} \dots$, алоҳида қисмларнинг юзаси, m^2 .

Иккинчи қисмни юзаси $F_{II} = 0,25 m^2$.

Деворни термик иссиқлик узатиш қаршилиги,

$$R_{II} = \frac{0,30}{\frac{0,05}{3,118} + \frac{0,25}{3,52} + \dots} = \frac{0,30}{0,016 + 0,071} = \frac{0,30}{0,087} = 3,45 \text{ } m^2 \cdot ^\circ C / Bt$$

Конструкцияни иссиқлик оқими йўналишига перпендикуляр бўлган текислик билан кесиб, 1;2;3;4;5;6; ва 7 та қатламларга ажратамиз (1-расм)

1 ва 7 қатлам гипсопенобетон $R_1 = R_7 = \frac{0,030}{0,109} = 0,275 \text{ } m^2 \cdot ^\circ C / Bt$;

3 ва 5 қатлам гипсопенобетон $R_3 = R_5 = \frac{0,025}{0,109} = 0,229 \text{ } m^2 \cdot ^\circ C / Bt$;

4 қатлам пенополистирол $R_4 = \frac{0,10}{0,041} = 2,439 \text{ } m^2 \cdot ^\circ C / Bt$;

2-қисм, бир жинсли бўлмагани учун конструкциянинг ўртача иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини қуидаги формула ёрдамида аниқлаймиз. [2,3]

$$\lambda_{\bar{y}p} = \frac{\lambda_I x F_I + \lambda_{II} x F_{II} + \lambda_{III} x F_{III}}{F_I + F_{II} + F_{III}} \quad (3)$$

Бу ерда, $\lambda_I, \lambda_{II} \dots$ алоҳида қатламларни ташкил этган материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, $Bt / m^2 \cdot ^\circ C$;

$F_I, F_{II} \dots$ алоҳида қатламларни юзалари, m^2 ;

$$\lambda_{\bar{y}p} = \frac{1,74 \cdot 0,25 - 0,109 \cdot 0,05}{0,30} = \frac{0,435 + 0,005}{0,30} = 1,466 Bt / m^2 \cdot ^\circ C,$$

У ҳолда $R_2 = R_6 = \frac{0,065}{1,466} = 0,044 \text{ } m^2 \cdot ^\circ C / Bt$

Демак, $R_{\perp} = R_I + R_2 + R_3 + R_4 + R_5 + R_6 + R_7 = 0,275 + 0,044 + 0,229 + 2,439 + 0,229 + 0,044 + 0,275 = 3,535 \text{ } m^2 \cdot ^\circ C / Bt$

Бир жинсли бўлмаган конструкциянинг иссиқлик ўтказувчанлик қаршилиги қуидаги формула ёрдамида аниқланади. [2,3]

$$R = \frac{R_{II} + 2R_{\perp}}{3} = \frac{3,45 + 2 \times 3,535}{3} = 3,51 \text{ } m^2 \cdot ^\circ C / Bt,$$

Гипсопенобетондан иборат бир жинсли бўлмаган девор конструкциясини умумий иссиқлик узатиш қаршилигини аниқлаймиз.

$$R_{ym} = R_u + R + R_T = 0,115 + 3,51 + 0,043 = 3,668 \text{ } m^2 \cdot ^\circ C / Bt;$$

Демак биз тавсия этаётган гипсопенобетондан иборат олинмайдиган қолип девор конструкциясини умумий иссиқлик узатиш қаршилиги ҚМК

2.01.04-97* да келтирилган иссиқлик ҳимоясини барча даража талабларига жавоб берар экан.

Юқоридаги назарий тадқиқотлардан қуидагиларни холоса қилиш мүмкін:

- 1) Хисоблар натижасида маълум бўлдики гипсопенобетондан иборат олинмайдиган қолипли девор конструкциясини иссиқлик ҳимояси Ўзбекистон шароити учун етарли бўлиб, ҚМҚ 2.01.04-97* талабларига жавоб беради;
- 2) Бу девор конструкцияси турли-туман энергия самарадор бинолар қуриш имкониятини беради.

Адабиётлар.

1. Шукуров Ф.Ш., Бобоев С.Н. Архитектура физикаси 1-қисм. Дарслик Қурилиш иссиқлик физикаси-Тошкент, Меҳнат, 2005 й..160 б.
2. Шукуров Ф.Ш.,Исломова Д.Ф. Қурилиш физикаси.- Дарслик. Тошкент, “ Янги аср авлоди” 2018 й., 224 б.
3. Фокин.К.Ф. Строительная теплотехника ограждающие частей зданий, стройиздат. Москва. 1973 г. 287стр.
4. ҚМҚ 2.01.04-97* Қурилиш иссиқлик техникаси.-Тошкент, 2011й.
5. Шукуров, Ф. Ш., Носирова, С., Мамадалиев, Х., & Одинаева, С. (2017). УЧ ҚАТЛАМЛИ ПЕНОБЕТОНДАН ИБОРАТ ТАШҚИ ДЕВОР НАМУНАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ИССИҚЛИК ФИЗИК ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАСИ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (6-3), 50-54.
6. Шукуров, Г., & Сирожжидинов, Ш. (2018). ПОВИШЕНИЕ ПРОТИВАПОКАЗАНИЕ ТЕПЛОПРОВОДНОСТИ МАЛЕНЬКИХ МНОГОПУСТОТНЫХ ПЕНОБЕТОННЫХ ПЛИТОК. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (4-12), 74-79.